

Саидафзал Саидханбалович САИДЖАЛОЛОВ
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Исломишунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиши ICESCO кафедраси катта ўқитувчиси
saidafzal@mail.ru

АБУ ҲАФС КАБИР АЛ-БУХОРИЙ ҚАДАМЖОСИ ҲАҚИДА

О МАВЗОЛЕЕ АБУ ҲАФС КАБИРА АЛЬ-БУХАРИ

ABOUT THE MAUSOLEUM OF ABU HAFS KABIR AL-BUKHARI

Аннотация: Мақолада Марказий Осиёда ҳанафийлик таълимотини ёйилишига муносиб ҳисса қўшган Абу Ҳафс Кабир ал-Бухорий ҳаёти, фаолияти, устозлари, шогирдлари, асарлари ва асрлар давомида табаррук жой дея эътироф этилган “Ҳақрах” қадамжоси ҳамда унинг мустақиллик йилларида қайта тикланиши ҳақида сўз боради. “Ҳақрах” қадамжоси Абу Ҳафс Кабир яшаган маҳалланинг номидир. Бу жой айни пайтда ҳам илм-маърифат қудратининг ёрқин намунаси бўлиб, ўз зиёратчиларини бешикдар то қабргача илм олиш сари чорлаб келмоқда.

Калит сўзлар: зиёрат, ислом ҳуқуқи, фикҳ, ҳанафий мазҳаби, Абу Ҳафс Кабир.

Аннотация: В статье рассказывается о жизни, творчестве, учителях, учениках Абу Хафс Кабира аль-Бухари, внесшего достойный вклад в распространения ханафитского учения в Центральной Азии, а также о «Хакрах», который веками признавался священным местом, и о его восстановлении в годы независимости. Хакрах - это название махалли, где жил Абу Хафс Кабир. Это место является ярким примером силы знания и просвещения, оно по-прежнему побуждает своих паломников искать знания от колыбели до могилы.

Ключевые слова: паломничество, исламское право, юриспруденция, ханафитская школа, Абу Хафс Кабир.

Annotation: The article tells about the life, work, teachers, students of Abu Hafs Kabir al-

Bukhari, who made a worthy contribution to the spread of the Hanafi teaching in Central Asia, as well as about Hakrah, which for centuries has been recognized as a sacred place, and about its restoration during the years of independence. Hakrah is the name of the mahalla where Abu Hafs Kabir lived. This place is also a shining example of the power of knowledge and enlightenment, it still encourages its pilgrims to seek knowledge from cradle to grave.

Keywords: pilgrimage, Islamic law, jurisprudence, Hanafi school, Abu Hafs Kabir

Абу Ҳафс Кабир ал-Бухорий – Бухоро ва у орқали Мовароуннаҳрда ҳанафийлик таълимотини ёйилишида беназир ҳисса қўшган аллома. Имом Аъзам Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собитнинг (699-767) шогирдларидан сабоқ олган Шайх Абу Ҳафс умрини ҳанафий мазҳаби фикҳига бағишлади. Юзага келган турли ҳуқуқий масалаларга моҳирона жавоб бериши сабаб Бухорода ислом илмлари ривожланди.

Ҳар қандай соҳанинг ривожига уни бошида турган асосчиси ёки моҳир билимдонининг ўрни бекиёс. Соҳага қизиқувчиларни адади ва соҳани эгаллаш даражаси унинг пешвосига бевосита боғлиқдир. Абу Ҳафс Кабирнинг илмга бўлган кучли рағбати, фикҳ соҳасини мукамал эгаллашга кучли интилиши сабаб Бухорода нафақат фикҳ, балки турли фан соҳалари тараққий этди. Натижада, тарихий адабиётларда “Бухоро – ислом қуббаси” номли атама юзага келди.

Абу Ҳафс Кабир сабаб оламга таралган маърифат ёғдуси қанча-қанча аллома ва мутафаккирлар, олиму уламолар, фозилу фузалоларнинг етишиб чиқишида етакчи омил бўлди. Бугун илм-фанни, хусусан, ислом илмларини бухорийларсиз тасаввур қилиш мушкул. Фикҳ илми ислом илмларининг марказида туради. Биргина “Кимгаки Аллоҳ яхшилиқни ирода қилса уни динда фақиҳ қилади” деган ҳадиси шарифни эслаш kifоя. Ҳазрат Навоий:

“Илм ичра шараф фикҳда бил нисбат аро
Чун сарвар эрур фақиҳ бу уммат аро”

дея таъкидлаганинг чуқур илмий асослари бор. Фикҳ илми ислом илмларининг марказида

туришининг боиси, у Куръони карим, ҳадиси шариф каби ислом шариатининг асосий манбаларини ва ижмо, киёс каби рационал тафаккурга асосланган далилларни ҳамда урф-одат, маслаҳат сингари ижтимоий билимларни мукамал билишни талаб этишидир. Айнан Абу Ҳафс Кабир бошчилигида ривожланган фикҳ илми, ҳанафий мазҳаби таълимоти Мовароуннаҳр заминида тафсир, ҳадис, ақоид, калом каби фан соҳаларининг тараққий этишида муҳим аҳамият касб этган мантиқийдир.

Абу Ҳафс Кабир Бухорий биринчи бўлиб Мовароуннаҳрга ҳанафий мазҳаби таълимотларини олиб келди. Унинг устозлигида кўпгина фақиҳлар ва олимлар етишиб чиқди. Тарихчилар таъкидлашича, Бухорода илмнинг ёйилиши, имом ва уламоларнинг ҳурмат ва эъзоз топишига Абу Ҳафс Кабир Бухорий сабаб бўлган. Абу Ҳафс Кабирнинг ўғли Абдуллоҳ ҳам буюк фақиҳ бўлгани учун Абу Ҳафс Сағир, яъни кичик Абу Ҳафс деб аталган [1:1].

Манбалар гувоҳлик беришича, Абу Ҳафс Кабир Имом Аъзам вафот этган 767 йилда Бухорода дунёга келади. Ёшлик йилларида илмга кизиқиб, вояга етгач Бағдодга бориб ҳанафий фикҳини ўзлаштиради. Имом Аъзамнинг икки буюк шогирдидан бири – Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийдан таълим олади. Имом Муҳаммад Абу Ҳафс Кабирни ҳурмат қилар, ҳатто тарових намозларида бухоролик ёш фақиҳни имомликка ўтказар эди. Абу Ҳафс Кабирнинг устози Имом Муҳаммадга эъзозу эътибори, ундан ҳанафий мазҳаби фикҳини ўзлаштиришга эҳтимоми юқори эканига Имом Муҳаммаднинг: “Менинг китобларимни Абу Ҳафс Кабирдан ишончлироқ тарзда ҳеч ким ўзлаштиради” деган эътирофи кифоя қилади [2:142].

Ривоят қилишларича, Имом Абу Ҳафс Кабир Бухорода ҳанафий мазҳаби асосида таълим бериладиган илк мадрасани курдирган. Бу мадраса ҳозирги “Пойи Калон” мавзеида бўлган. Аллома уйларида мадрасага боришда бозор орқали ўтардилар. Шунда ҳайбатларидан бозорчиларнинг шовқин-сурони тўхтаб қоларди.

Абу Ҳафс Кабир шогирдлари ҳақида сўз борганда, тарихий манбаларда уларнинг кўплигидан ададини ҳисоблаш имконсизлиги

қайд этилади [3:166]. Улардан Абу Жаъфар Ризвон ибн Салим Бадакорий Бухоронинг Бадакор қишлоғидан эди. Яна шогирдларидан Абул Ҳасан Муқотил ибн Саид Байдарий, Абу Солиҳ Тоййиб ибн Муқотил Хуноматий, Муҳаммад ибн Ҳотам Субизгукий, Муҳаммад ибн Абдулло Абу Заҳҳок Фазл ибн Ҳассон Сутиканий, Абу Усмон Саид ибн Сулаймон Шаргий, бу кишининг отаси Абу Саид Сулаймон ибн Довуд Шаргий ҳам Абу Ҳафс Кабирдан таълим олган [4:1].

Абу Бакр Наршахий ҳанафий мазҳаби ватани бўлмиш Ироқда ҳал қилинмаган ҳуқуқий муаммолар Бухорода Абу Ҳафс Кабир томонидан ҳал қилинганини ўзининг “Бухоро тарихи” китобида нақл қилади. Бунинг сабабини Имом Муҳаммаднинг Абу Ҳафс Кабир ҳақида айтган сўзларидан англаш мумкин. Имом Аъзамнинг икки буюк шогирдидан бири Имом Муҳаммаднинг илмини энг мукамал ўзлаштирган Абу Ҳафс Кабир Бухорий экан, демак, Имом Муҳаммад вафотидан сўнг ечилмай қолган ҳуқуқий масалаларнинг жавоби учун Бухорога, Абул Ҳафс олдига кишилар йўл юриб келгани тушунарлидир. Лекин Абу Ҳафс Кабирнинг ўзи камтарлиги сабаб, бу ҳолатдан таажжубга тушганини “Бухоро тарихи” китобида қайд этилади.

Абу Ҳафснинг ўзига «Кабир Бухорий» — «Бухорийларнинг каттаси» ва «Ҳожатбарор имом» деган унвонлар берилган, ўғли Абу Абдуллоҳ (Абу Ҳафс Сағир Бухорий; 877 й. в.э.) ҳам отаси сингари фикҳ илмида пешқадам бўлган. Абу Ҳафс Кабир фикҳнинг турли масалалари ёритилган «Ал-Аҳвоъ вал-ихтилоф» («Ҳавойи гаплар ва келишмовчиликлар»), «Ар-радду ала-Лафзийя» («Юзаки қаровчиларга раддия») ва бошқа асарлар ёзган [5:1].

VIII-IX асрларда Бухорода турли фанлар тараққий этди. Ислом қуббасига дунёнинг турли нуқталаридан илм шайдолари ташриф буюрар эди. Абу Ҳафс Кабир мадрасасида таълим олишга атроф жавонибдан кизиқиш кучли эди.

Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс Кабир Бухорий Бухорода илмий ва диний билимлар ривожига катта ҳисса қўшган мадрасага асос солади. Шарқшунос олим Анас Боқиевич Холидов

бутун араб салтанати худудида илк бора Мовароуннахр ва Хуросонда мадрасалар барпо этилганини зикр этиб, биринчи мадраса Бухородаги “Фаржак” мадрасаси деган фикрни илгари суради [6:1].

Бухоро аҳли илм-маърифатга ва у орқали ҳаёт ҳақиқатига интилни. Ҳақни англашни маърифатда деб билди. Олимлар ҳидоят ва ҳақиқат йўлбошчилари дея эътироф этилдилар. Шу сабаб Абу Ҳафс Кабир яшайдиган маҳалла “Ҳақрах”, яъни ҳақиқат йўли деб атала бошланди.

Олим фикҳнинг турли масалаларига доир кўп асарлар ёзган. Булардан “Фатавои Абу Ҳафс Кабир”, “Китабул имон” айниқса машҳур бўлган. Абдулкарим Самъоний айтишича, Абу Амр Аҳмад ибн Абу Бакр ал-Хузайи ал-Мохий: “Мен Абу Ҳафс Кабирнинг “Китабул имон” китобларидан таълим олганман”, деган. Абу Ҳафс Кабирнинг фикҳга доир турли масалалар ёритилган “Ал-Аҳвоъ вал ихтилоф” (“Ҳавоий гаплар ва келишмовчиликлар”), “Ар-Радду ала лафзия” (“Юзаки қаровчиларга раддия”) каби асарлари ҳам бор [4:1].

Қаерда ҳақиқат илм-маърифат орқали изланса, инсонлар илмни ўзларига маёқ қилиб олсалар, шу жойда тараққиёт ва фаровонлик юзага келишини тарих ва замон такрор-такрор исботлаган. Бугунги кунда Президент Шавкат Мирзиёевнинг деярли ҳар бир чиқишида илм-маърифатга чақириқ бор. Президент ташаббуси билан бугун Янги Ўзбекистонда юзага келган Учинчи ренессанс пойдеворини барпо қилиш ҳаракати мазмунида ҳам илм-фанни ривожлантириш, фуқароларимизни, айниқса ёшлари замонавий технологияларини мукамал ўзлаштириш тургани ҳақиқат.

Бухородаги Абу Ҳафс Кабир мадрасаси ўз замонасида машҳур мадрасалардан саналган. Тарихчи Вамбери ўзининг “Тарихи Бухоро” ва ас- Саъдий “Тарих ад- дувал”номли асарларида Имом Абу Ҳафс Кабир Бухорийнинг мадрасаси ислом оламининг турли ўлкаларидаги олимлар ва талабалар орзу қилган энг яхши мадраса бўлганини таъкидлашган [6:1].

Абу Ҳафс Кабир Мовароуннахр фақиҳлари шайхи, пешвоси сифатида фикҳ илми тараққиётини бошлаб берган бўлса, унинг

замондоши Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий ҳадис илми ривожига беназир ҳисса қўшиб, муҳаддислар султони, деган шарафли номга сазовор бўлди. Айрим манбаларда Абу Ҳафс Кабир ва Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийлар ўртасидаги ихтилоф нақл қилинган. Фақиҳ Абу Ҳафс Кабир муҳаддис Муҳаммад ибн Исмоилни фатво беришдан қайтаргани ва шу сабаб Муҳаммад ибн Исмоил Бухородан чиқиб кетгани турли адабиётларда зикр қилинади (3:166). Илм-маърифатнинг асосларидан бири ақл ва тафаккур экани эътиборидан, Абу Ҳафс Кабир Бухорий вафот этган 832 йилда эндигина 22 ёшга кирган Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийнинг улуғ шайх билан ихтилоф қилгани мантиқсиздир. Муҳаддислар султони бўлмиш Имом Бухорий ҳаёти ҳақидаги манбалар алломанинг 22 ёшда илм талабида оламни кезганидан хабар беради. Бу ёшда Имом Бухорий фатво бергани ҳақида маълумотлар йўқ. Имом Бухорий фикҳдан кўра кўпроқ ҳадис илми билан шуғуллангани маълум. 22 ёшли йигитнинг Бухорога келиб фатво бериш билан шуғулланганини асословчи далиллар мавжуд эмаслиги эътиборидан Шайх Абу Ҳафс Кабир ва Имом Бухорий ўртасидаги зиддиятга ишониш қийин. Бу ҳақиқатни ҳинд алломаси, фақиҳ ва муҳаддис Абдулхай Лакнавий ўзининг “Ал-фавоид ал-баҳийя фий тарожим ал-ҳанафия” асарида изоҳлаган. Аллома Имом Бухорийнинг кадри улуғ, фаҳми ўткир, дунёкараши кенг ва чуқур тафаккур эгаси эканини эътироф этиб, унинг фикҳий масалалардан яхши хабардорлиги ва Абу Ҳафс Кабир билан ихтилофга бориши мантиқсиз эканини таъкидлайди [7:18]. Туркияда 1988-2013 йилгача нашр этилган 44 томли “Туркия Диёнат Вақфи ислом энциклопедияси”да Муртеза Бедир томонидан ёзилган “Абу Ҳафс Кабир” номли мақолада ҳам мазкур ҳақиқатга урғу берилади [8:1]. Мақола муаллифи 22 ёшли Имом Бухорийнинг фатво масаласида ихтилофга бориши ҳақиқатдан узоқ эканини қайд этади. Машҳур бўлмасида, лекин тафаккур ва мантиқ қўллайдган бир тарихий нақл бор. У ҳам бўлса Шайх Абу Ҳафс Кабир Имом Бухорийни қўллаб-қувватлагани, унинг ҳақиқа эзгу дуо қилгани ҳақидаги ривоят, истикболда Муҳаммад ибн

Исмоилни муҳаддислар султони бўлишида аҳамият касб этган бўлса не ажаб. Сабаби, Шайх Абу Ҳафс Кабир умрини маърифат ва эзгуликка бахш этган, зоҳид ва тақводор инсон сифатида тарих саҳифаларида қолган. Манбалар гувоҳлик беришича, Абу Ҳафс Кабир ёшлик чоғида Қуръони каримни кунига икки марта, ўрта ёшларида бир марта, кексалик пайтида икки кунда бир марта тўлиқ ўқиб чиқиб, хатм қилган. У доим ибодат қиладиган жой, вафотидан кейин ҳам узоқ йиллар сақланиб қолган. Халқ Абу Ҳафс Кабир ибодатгоҳини дуо мустажоб бўладиган табаррук макон сифатида зиёрат қилган. Шу жиҳатдан, шайхнинг Имом Бухорий билан зиддиятга боргани эмас, балки ёш муҳаддис ҳақида эзгу дуо қилгани ҳақиқатга яқинроқдир.

Абу Ҳафс Кабир амир бўладими, оддий фуқаро бўладими, қандай муаммо билан келса, ҳал қилиб берар эди. Олди-сотди ёки ибодат масалаларини ҳам жуда аниқлик билан ечарди. Шу боис одамлар олимни «Ҳожатбарор имом» деб ҳурмат қилганлар. Ҳозирги кунга қадар Бухоро аҳолиси Абу Ҳафс Кабир зиёратгоҳини «Имоми Ҳожатбарор» зиёратгоҳи дея ардоқлаб келади. Абу Ҳафс Кабир юқори мансаб эгалари олдида ҳам ўз нуфузига эга бўлган. Зандавистийнинг «Равзат ал-уламо» номли асарида келтирилишича, султон Абу Ҳафс Кабир Бухорийга салла тортиқ қилган. Салла муҳим илтифот қилинган кийимлардан бўлиб, амирлар уни ўзлари танлаган ва яқин кишиларига совға қилганлар. Абу Ҳафс берган фатволар ва унинг асаридан олинган иқтибослар кейинги давр уламоларининг фикҳий асарларида кенг истифода этилади. Жумладан, Абу Наср Аҳмад ибн Умар (ваф. 1190 й.)нинг «Фатовойи Аттобия», Фарииддин Дехлавий (ваф. 1385 й.)нинг «Фатовойи Татархония», Алоуддин Бухорийнинг «Ҳайрат ал-фуқаҳо», Масъуд ибн Маҳмуд ибн Юсуф Самарқандийнинг «Салоти Масъудий», Бурҳониддин Маҳмуд (1156 – 1219 й.)нинг «Мухит ал-Бурҳоний», Абу Бакр ибн Масъуд Косоний (ваф. 1191 й.)нинг «Бадоиъ ас-саноиъ фи тартиб аш-шароиъ», Абу Музаффар Муҳйиддин Муҳаммад Аврангзеб (ваф. 1707 й.)нинг буйруғи билан Шайх Низомиддин Балхий (XVII–XVIII) бошчилигида йигирма

уч нафар фақиҳ томонидан ёзилган «Фатовойи Оламгирия» каби жуда кўплаб асарларда учрайди. [9:1].

Мустақиллик йилларида Абу Ҳафс Кабир ал-Бухорий қадамжоси обод этилди. Қайта қуриш ва ободонлаштириш ишлари 2009 йилнинг августида бошланди. Абу Ҳафси Кабирнинг қабрлари устида ҳашаматли мақбара эски Бухоро услубида барпо қилинди. Намозхонлар ва зиёратчилар учун кириш қисмида замон талабларига жавоб берадиган ҳашаматли ярим гумбазли масжид қурилди. Қурилиш ишлари янги таҳоратхона қурилиши билан 2010 йил сентябрь ойида ниҳоясига етказилди. Зиёратгоҳ қабристондан девор билан ажратилди, боғлар ташкил қилинди ва турли манзарали дарахтлар ўтказилди, шунингдек кўмилиб ётган ҳовуз очилди. Қадимий масжид ички қисми таъмирланди. 2017 йилда эски масжид рўпарасидаги минора айна кўринишида қайта қурилди [10:1].

Абу Ҳафс Кабир зиёратгоҳининг турдош айрим қадамжолардан фарқи бор. У савлат ва ҳашаматга барпо қилинган эмас. Оддий, камтарона бунёд этилган. Аҳамиятли жиҳати, Абу Ҳафс Кабир зиёратгоҳида айрим қабристонларда учрайдиган бидъат ва хурофотлар кузатилмайди. Дарахтга материал парчасини боғлаш, қабрни тавоф қилиш, кўзига суртишга ўхшаш хурофий ишлар Абу Ҳафс Кабир қадамжосида кузатилмайди. Мазкур қадамжо маърифат аҳли учун табаррукдир. У асрлар давомида илм ошиқлари манзили бўлиб, жоҳилларнинг бидъат-хурофотларидан омонда сақланган бўлса ажаб эмас. Бухоронинг асрлар давомида эъзозда бўлган табаррук гўшаси бугун маҳаллий ва хорижий зиёратчиларга илм-маърифат қудратининг ёрқин ифодаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Абу Ҳафс Кабир ал-Бухорий ҳаёти ва фаолияти, унинг номи билан боғлиқ жой ва зиёратгоҳлари тарихи борасида қуйидаги хулосаларга келиш ўринли:

Биринчидан, Абу Ҳафс Кабир ал-Бухорий ислом илмлари ривожига муҳим ҳисса қўшди. Унинг шогирдлари орасидан кўплаб етук фақиҳ ва муҳаддислар етишиб чиқди.

Иккинчидан, Абу Ҳафс Кабир мўътадил ва юмшоқ дея эътироф этилган ҳанафий мазҳаби таълимотининг Мовароуннаҳрда ёйилишига беназир ҳисса қўшди.

Учинчидан, Абу Ҳафс Кабир асос солган илмий мактаб Бухоронинг Ислом куббаси дея эътироф этилишига сабаб бўлди.

Тўртинчидан, аллома хизматлари сабаб Бухоро Мовароуннаҳр ҳанафий мазҳаби марказларидан бирига айланди. Кейинчалик Самарқанд ва Бухоро бир қатор олимлар томонидан Марказий Мовароуннаҳр деган эътирофга сазовор бўлди.

Бешинчидан, Абу Ҳафс Кабир ал-Бухорий номи билан боғлиқ мадраса ва зиёратгоҳ асрлар давомида илм ошиқлари томонидан табаррук маскан сифатида ардоқланиб келди.

Олтинчидан, Абу Ҳафс Кабир ҳанафий мазҳаби асосчиларидан ҳисобланмиш Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг энг етуқ шогирди сифатида мусулмон дунёсида ҳамиша эътибор ва эъзозда. Бугун ҳанафий мазҳабига эргашувчилар мусулмонларнинг қарийб ярмини ташкил қилиши ҳисобга олинса, алломанинг мақоми яққол намоён бўлади.

Еттинчидан, Абу Ҳафс Кабир ал-Бухорий мероси ва қадамжосининг тикланиши юртимизда зиёрат туризмнинг ривожига, дунёнинг турли нуқталаридан фикҳ илмига қизиқувчиларни, ҳанафий мазҳаби таълимоти мухлисларини жалб этишда муҳим аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдулазиз Мансур. Абу Ҳафс Кабир Бухорий. <https://hidoyat.uz/23631>
2. Котиб Чалабий. Силмул-вусул ила табақот ал-фуҳул. Истанбул: Ширкат Йилдиз лин-нашри вал-иълам, 2010. Ж.1.
3. Абдулхай Лакнавий. Ал-Фаваид ал-баҳийя фий тарожим ал-ҳанафия.-Қоҳира: Дар ал-китаб ал-исламий, 1904.
4. Муҳиддин Нўъмонов. Имом Абу Ҳафс Кабир Бухорий. <https://qadriyat.uz/tarix/faqihlar/628-imom-abu-khafs-kabir-bukhorij>
5. “Абу Ҳафс Кабир Бухорий” номли мақола. <https://minor.uz/abu-hafs-kabir-bukhorij/>
6. Ўрол Мустафо. Абу Ҳафс Кабир ал-Бухорий (767-832). <https://islaminstitut.uz/1485>
7. Абдулқодир ал-Қурайший. Ал-жавахир ал-музйя фий табақот ал-ҳанафия. -Қоҳира: Дар хажр, 1993. Ж.1.
8. [Murteza Bedir](https://murteza.Bedir). Ebû Hafs el-Kebîr. <https://islamansiklopedisi.org.tr/ebu-hafs-el-kebir>
9. “Абу Ҳафс Кабир Бухорий” номли мақола. <http://almeros.uz/ru/scientist/view?id=18>
10. Ниёзиддин Камолов. Бухорони “Қуббатул-ислом” қилган зот. Имом Абу Ҳафс Кабир. https://www.naqshband.uz/makolalar/imom_abu_hafsi_kabir
11. Ибн Қутлубуғо. Тож ат-тарожим. –Дамашқ: Дар ал-қалам, 1992. Б.94.
12. Тақийиддин ибн Абдулқодир Ҳанафий. Ат-табақот ас-санийя фий тарожим ал-ҳанафия. -Ҳалаб: Дар ар-рифаъий, 1983. Ж.1. Б.342